

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

А.Юсупов	
ХІХ аср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари	106
И.Боҳодиров	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти	112
С.Холиков	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни	118
А.Юлдашов	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари	122
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
А.Сабирдинов	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати	126
Д.Қаландарова	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида	129
Н.Сабиров	
Москва савдо компанияси Лондон токирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси	134
А.Абдурахмонов	
Насрий асарда ранг – лейтмотив	137
ТИЛШУНОСЛИК	
О.Латипов	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти	140
Я.Нишанов	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари	146
Ш.Искандарова, З.Маруфова	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши	150
М.Турсунова	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи	153
Т.Алимов	
Таржима назарияси ва амалиёти	157
М.Сайдова, Н.Расулова	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили	161
ПЕДАГОГИКА	
Т.Эгамбердиева	
Оиладаги ижтимоий мухит ва гендер тенглик	166
Б.Ходжаев	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги	172
Г.Назарова	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари	176
Г.Алимжонова	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари	182
ИЛМИЙ АҲБОРОТ	
Б.Абдуганиев, Н.Азимова	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш	186

УДК: 94(575.1)

ТУРКИСТОНДА 1916-ЙИЛГИ ХАЛҚ ҚЎЗГОЛОНИ ЖАРАЁНИДА ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ВОЙСК ТУРКЕСТАНСКОГО ВОЕННОГО ОКРУГА ВО ВРЕМЯ НАРОДНОГО ВОССТАНИЯ 1916 ГОДА В ТУРКЕСТАНЕ

ACTIVITIES OF THE TROOPS OF THE TURKESTAN MILITARY DISTRICT DURING THE PEOPLE REBELLION OF 1916 IN TURKESTAN

Боҳодиров Иҳтиёр¹

¹Боҳодиров Иҳтиёр

– Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси докторанти

Аннотатсия

Мақолада 1916 йилда Россия империясининг I Жаҳон урушидаги иштироки натижасида Туркистонда умумхалқ қўзғолони ва норозилик ҳаракатлари юз бериши ва уни бостириш жараёнидаги қийинчилклар сабабли Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятининг ҳарбий округ қўшинларига таянишга мажбур бўлганлиги таҳлил этилган.

Аннотация

В статье анализируется начало народного восстания и протестов в Туркестане в связи с участием Российской империи в Первой мировой войне, в результате чего колониальная администрация вынуждена была опираться на войска Туркестанского военного округа из-за трудностей в подавлении восстания.

Annotation

The article analyzes the beginning of the popular uprising and protests in Turkestan as a result of the Russian empire's participation in World War I and the colonial administration was forced to rely on the troops of the Turkestan Military District due to difficulties in suppressing the uprising.

Таянч сўз ва иборалар: ҳарбий округ, мунтазам армия, қўзғолон, рота, казак, пулемёт, солдат, эскадрон.

Ключевые слова и выражения: военный округ, регулярная армия, восстание, рота, казак, пулемет, солдат, эскадрон.

Key words and expressions: military district, regular army, rebellion, company, cossack, machine gun, soldier, squadron.

1914 йилда бошланган I Жаҳон уруши ўз домига жаҳондаги жуда кўплаб мамлакатларни тортади, шулар қаторида Россия империясини ҳам. Россиянинг жаҳон урушида иштироки мустамлака ўлка бўлган Туркистон аҳолисини қийин аҳволга солиб қўйган. 1914-1916 йилларда Туркистондан уруш эҳтиёжлари учун 40 899 244 пуд пахта, 3 009 000 пуд пахта ёғи, 229 000 пуд совун, 300 000 пуд гўшт, 473 928 пуд балиқ, 30 004 метр² намат, 70 000 от, 12 000 га түя, 270 та арава, 13 441 дона ўтов ва жуда кўп миқдорда қуруқ мева ва бошқа озиқ-овқатларни Россияга олиб кетдилар [9, 218]. Шунингдек, 1914-йил Еттисув вилоятида 14 млн сўмлик қорамол, 1915-йили эса Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан 1 млн бошга яқин қўй Россияга юборилди [10, 401].

Ўлкада ғалла етишмовчилиги юзага келади. 1916 йил Тошкент шаҳар бошлиғи Н. Маллитский (1907-1917) Сирдарё вилояти губернатори А.С.Галкинга (1911-1917) ёзган

хатида ўлкада жами 22 млн. пуд ғалла етишмай қолгани ва очарчилик ҳолатлари кузатилаётганини маълум қилган. Ўлкада соликлар ҳам муттасил ошириб борилган. Ер солиги миқдори бутун ўлка учун 1914 йилда 6 859 021 сўмга [7, 16, 29], 1916 йилда эса 14 311 771 сўмга етади [10, 402]. 1915-йилдан эса пахтага қаътий давлат нархи бегиланиб, пахта савдоси давлат назоратига олинди. Бу эса нарх-наво ва соликларни ошиб бориш фонида пахтакорларнинг ҳонавайрон бўлишга маҳкум этган. 1915 йил 1 январдан эътиборан ҳарбий сафарбарликка жалб этилмаганлиги учун маҳалий аҳолига умумий даромадларнинг 21% миқдорида ҳарбий солик ҳам жорий этилади.

1916-йил 25-июнда император Николай II Кавказ, Астрахан, Сибир ва Ўрта Осиёдаги 19-43 ёшдаги аҳоли учун мўлжалланган “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини (“бегона халқлар”) ҳаракатдаги армия худудида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий

ТАРИХ

алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида” номли фармони эълон қилинди [14, 144].

Император фармонига биноан Туркистон генерал-губернаторлигидан 250 000 кишини меҳнат сафарбарлигига олиш режалаштирилди. Шу жумладан, Сирдарё вилоятидан 87 000 киши, Еттисув вилоятидан 60 000 киши, Фарғона вилоятидан 50 000 киши, Самарқанд вилоятидан 38 000 киши ва Каспийёти вилоятидан 15 000 киши [7, 45].

30-июн куни вақтингчалик ТҲО қўймондони М.Р.Ерофеев фармонни вилоят губернаторларига юбориб, фармон ижросини ва мардикорликка олинувчилар рўйхатларини тузишни бошлаш ҳақида телеграмма юборади. Ерофеев рўйхатларни шакллантиришда биринчи навбатда 1885-1897 йиллар оралиғида туғилган эркаклар олинишига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди [9, 27]. Мардикорликка асосан камбағал ва ўртаҳол халқ вакиллари олиниши мўжалланди. Рўйхатлар тузилиш жараёнида ўлкада коррупсия ва хукуқбузарликлар авж олади.

Туркистон генерал-губернатори Куропаткиннинг таъкидлашича подшо фармони 1916 йил ўлкада бошланган қўзғолонга асосий туртки бўлган: “Туркистон аҳолисини мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармон қўзғолонларни кўтарилишига баҳона бўлди. Бу шошилинч равишда эълон қилинган, тезлиқда амалга оширишга қаратилган ҳаракат туб аҳоли ва ўлка маъмуриятини оғир аҳволга солиб қўйди” [4, 30-31].

Туркистондаги дастлабки норозилик чиқишилари 1916 йил 4 июлда Самарқанд вилояти Хўжанд уездидаги бошланади.

1916 йил 4 июл куни 6000-7000 кишилик халқ мардикорликка олишларидан норози бўлиб шаҳар политсия идораси олдида шовқин-сурон кўтариб, политсия пристави штабс-капитан Устимовичдан рўйхатга олиш ишлари тўхтатилишини талаб қиласидилар. Тарқалишни хоҳламаган халққа қарши қурол ишлатишга буйруқ берилади. Хожанд шаҳрига намойишчиларни тарқатиш ва тартиб-интизомни сақлаш учун 200 та солдат ва казак отлиқлари эскадрони юборилади [2, 49-50]. Намойишчиларни тарқатиш вақтида 3 киши ҳалок бўлиб, 4 киши ярадор бўлади. Шаҳар аҳолиси учун шаҳардан ташқарига чиқмаслик ҳақида ҳарбий буйруқ чиқарилади.

7-июл куни Даҳбед қишлоғида қўзғолон кўтарилиди. Қўзғолончилар волост

бошқарувчиси Ҳайдар Қосимжонов ва унинг миrzаси Қобуловни тошбўрон қиласидилар. Қобулов ўлдирилди, волост бошлиғи қочиб кетишга улгуради. Самарқанд уездидаги А.И. Мартинсон Даҳбедга 150 кишилик жазо отряди юборади. Қўзғолон қатнашчиларидан 24 киши ҳибсга олинади [10, 405].

Самарқанд вилояти губернатори генерал-маёр Н.С.Ликошин (1914-1917) 7-июл куни ТҲО Бош Штаби бошлиғи генерал-лейтенант Д.Н. Воронетсга (1914-1916) юборган ахборотида подшо фармонини бажариш учун ҳарбий ёрдам зарурлигини таъкидлайди. Н.С.Ликошин генерал-маёр барон Майдел раҳбарлигидаги Самарқанд гарнizonидан ёрдам тариқасида Самарқанд шаҳар политсмейстерига 200 солдат ва 50 нафар казак, Самарқанд уездидаги 1 та пиёдлар ротаси, 10 нафар казак ва 1 дона пулемёт, Каттакўрғон уездидаги 1 та пиёдалар ротаси, Хўжанд уездидаги эса 1 та пулемёт ва казаклар яrim юзлигини ажратилишини сўрайди [8, 109]. Самарқанд вилоятидаги асосий қўзғолон ҳаракатлари Жиззах шаҳрида юз берган.

Жиззах уездидан 10 531 кишини фронт орти ишларига мардикорликка олиниши белгиланган эди [11, 137]. 5-июл кунидан Жиззах уездидаги дастлабки ғалаёнлар бошланади.

13 июл куни жиззахлик қўзғолончилар рўйхат тузишда пораҳўрликга йўл қўяётган ва рўйхатни талаб қилган халқни ҳақорат қилган оқсоқол Мирзаёт Худоёровни ўлдириб Жиззах шаҳрининг янги шаҳар қисмига йўл оладилар. Дамин Кулол, Салим оқсоқол, Тоғибай оқсоқол бошлиқ қўзғолончилар ёрдамчи кучлар етиб келгунча қўзғолончларни тинчлантиришга уринган Жиззах уездидаги бошлиғи полковник Рукин, политсия пристави штабс-капитан Зотоглов, уезд бошқармаси таржимони Мирза Ҳамдам Зокиржоновларни ўлдирганлар. Уезд бошлиғи ёрдамчиси подполковник Афанасиев ўз ортяди билан етиб келиб, қўзғолончиларни ўққа тутишга буйруқ беради. Жуда ёмон қуролланган қўзғолончилар 11 кишини қурбон бериб ортга чекинадилар.

Тез орада қўзғолон бутун Жиззах уездига ёйилади. Жиззахлик Назирхўжа эшон (1875-1916), зоминлик Қосимхўжа эшон ва форишлик Абдураҳмон жевачилар қўзғолон рагбарлигини ўз қўлларига оладилар. Жиззахдаги темирйўл ва телеграф алоқалари бузиб ташланади. Жиззахнинг янги шаҳар қисмидаги кичик миқдордаги солдатлар ва казак қисмлари билан қўзғолонни бостириш имконсиз бўлади.

Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги томонидан Жиззахга 13-14 июл кунлари Самарқанддан пиёдалар ротаси ва Оренбург казаклар юзлигини, 14-июл куни Тошкентдан полковник Владиславлевни 1 та пиёдалар ротаси, сапёрлар взводи ва 4 та тўпдан иборат артиллерия батареясини, 16-июлда эса Тошкентдан полковник Иванов бошлиқ 13 та пиёдалар ротаси, 6 та отлиқ тўпули артиллерия батареяси, 3 та сапёрлар ротаси ва 3 та казаклар юзлиги (жами 2500 киши) жўнатадилар [2, 52].

Жазо кўшини томонидан Жиззах кўзғолони шафқатсизлик билан бостирилади. 7-август куни Жиззах аҳолиси шаҳардан Қили (Кўл) чўлига бадарға қилинади. Жиззах кўзғолони иштирокчиси Мамашариф Ҳусаинов Жиззах ҳалқини ТХО аскарлари томонидан шафқатсиз бостирилгани тўғрисида шундай деган: “Бизларни солдатлар югуртириди. Бир ерда тўхтатиб, ҳамманинг ёнини ковлаб, бор пулларини қоқиб олди. Яна югуртириди. Чополмай йиқилганларни милтиқ қўндоқлари билан урдилар. Ёш болалар сувсизликдан юраги куйиб, ўлиб қолавердилар. Ҳомиладор хотинлар туғиб ётиби, солдатлар уларга қарашга йўл бермайдилар. Солдатлар югуришдан бош тортганларни отдилар, одамларни яхши кийимларигача тортиб олдилар. Бизларни шундай азоб-уқубатлар билан шом пайти Қили чўлига олиб бориб, ташлаб қайтдилар. Одамларда овқат ҳам, кўрпа-ёстиқ ҳам йўқ, ҳамма оч ва сувсиз қолди” [11, 419-420].

1916-йил августда Россия Давлат Думаси томонидан Туркистондаги аҳволни тафтиш қилиш учун юборилган Думадаги “мехнаткашлар” фраксияси вакили Александр Керенский “Мен Жиззахда аввал бўлганман, унинг вайроналарини ҳам бориб кўрдим. Мен, жаноблар, икки фронтда – Фарбий фронтда ва Кавказ фронтидаги бўлганман, лекин бунақасини кўрмаганман” [13, 289] – деб таъкидлаган.

Фарғона вилоятида қўзғолонлар бошланишидан олдин уни олдини олиш учун вилоят ҳарбий губернатори А.И Гиппус (1911-1916) ТХО вақтинчалик бош қўмондони Еофеевга қуидагича илтимоснома юборади: вилоят худудида темирйўлни қўриклиш учун 1000 нафар аскар ва рус посёлкаларини ҳимоя қилиш учун 1 та дружина юбориш; участка приставлари ихтиёрига 600 казак жўнатиш; вилоятни ҳарбий ҳолатда деб эълон қилиш; вилоятни ҳарбий губернаторига бош қўмондон ҳукукини бериш [21, 250].

Гиппус Тошкентга юборган телеграммасида Бош қўмондонни “халқ ғалаёни нима сабабдан келиб чиқишидан қатъий назар диний-сиёсий заминга кўчиши хавфи бор”, деб огоҳлантиради [16, 25]. Ҳатто у 27-июл куни император фармонини вилоят худудида тўхтатиб туриш ҳақида буйруқ беради. 1916-йил 30-июл куни пошдо фармонини бажармаслик ва мусулмонларга ён босганлик айби билан Гиппус лавозимидан олинади. Унинг ўрнига полковник П.Иванов тайинланади.

Фарғона вилоятидаги дастлабки йирик норозилик ҳаракатлари Андижон шаҳрида юз берган. 9-июл куни Андижон Жоме масжиди майдонида сони 8000-10000 нафар халқ тўпланади. Улар Андижон уезди бошлиғи Бржезинскийдан аҳолини мардикорликка сафарбар этишни тўхтатишни талаб қиладилар. Уезд бошлиғи Андижон гарнizonи солдатларига тарқалишни хоҳламаган намойишчиларга қаратা ўқ узишни буюрган. Андижондаги кўзғолонда 3 киши ўлдирилиб, 12 киши яраланади [8, 173].

11-июлда Наманган шаҳрида ғалаёнлар бошланади. Лаббайтоға даҳасидаги Курашхона майдонига 1500 дан ортиқ одам тўпланади. Наманган уезди бошлиғи П.Р.Крашков кўзғолчиларга қарши капитан Румянцев бошчилигига пулемётлар билан қуролланган рота чақиради. Ўқ узиш ҳақидаги кўрқитувларга қарамай халқ солдатлар ва политсия ҳодимларига ташланиб, уларнинг қуролларини тортиб олишга ҳаракат қиласи. Наманган гарнizonи бошлиғининг ТХО қўмондонига юборган телеграммасида пулемёт ва милтиқ ўқларидан 38 га яқин киши яраланиб, 12 киши ҳалок бўлганини маълум қиласи [15, 11]. Исён қатнашчиларидан М.Бойжонов, А.Розиқбоев, Б.Мирзаев. И.Халфаев, жами 19 киши ҳибсга олинади [10, 415-416].

Фарғона вилоятидаги энг йирик қўзғолон Марғилон шаҳрида 10-июл куни бўлиб ўтган. Унда 20 000-25 000 кишидан иборат шаҳар аҳолиси Ўрда майдонида тўпланган. Эски шаҳар политсмейстери П.Й. Пахотин вилоят губернатори А.И.Гиппусга юборган ахборотида ғазабланган халқ мингбошилар Маҳмудбек Шаҳрихонов, Мавлонбек Бадалбоев, бош миршаб Суянов ва 4 нафар соқчи қоровулни ўлдирганлигини маълум қиласи. Марғилон кўзғолонини бостириш учун шаҳарга 6-Оренбург казаклар полкининг юзлиги юборилади. Казаклар хужуми оқибатида 63

ТАРИХ

нафар киши ҳалок бўлади ва жароҳат олади [7, 72,76].

13-июлда Андижон уезди Майғир волости Чувама қишлоғида қўзғолон кўтарилиб, қишлоқ оқсоқоли Қирғизбой Каримбоев ва унинг отасининг уйларига бостириб кирадилар ва элликбоши Қипчоқбой Боймирзаев уриб ўлдирадилар. Уезд бошлиғи Бржезинскийнинг ёрдамчисини 20 нафар казаклар билан етиб келиб волостдаги ғалаёнларни куч билан тарқатиб юборади [17, 17]. Қўзғолон раҳбарларидан 16 киши ҳибсга олинади.

Фарғона вилоятидаги қўзғолонлар давомида қўзғолончилар маҳаллий маъмурлардан 34 кишини ўлдиради. Булардан 8 нафари волост бошлиқлари, 11 нафари қишлоқ оқсоқоллари, 5 нафари элликбошилар, 11 нафари қуролли соқчи ва қозилар эди. Фарғона вилоятининг 17 жойида қўзғолончилар ва ҳарбий округ қисмлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган. Расмий маълумотларда бу жангларда 56 киши ўлдирилгани, 109 киши ярадор қилингани ва ярадорлардан яна 28 киши ўлгани келтириб ўтилган [7, 85].

Умумхалқ ҳаракатлари пойтахт Тошкент шаҳрини ҳам четлаб ўтмаган. 1916 йил 11 июл куни Тошкент шаҳрида 2000-3000 киши қатнашган катта намойиш бўлади. Асосий воқеалар эски шаҳар политсия бошқармаси олдида содир бўлади. Политсия бошқармаси қоровули Мираҳмад Мироқшиев маъмуриятни тарафини олганлиги учун ўлдирилади. Тошбўронда политсия бошқармаси бошлиғи А.Мочалов, котиб Терентев, Себзор даҳаси миршаби Сайд Исмоилжонов, Шайхонтохур даҳаси миршаблари Тилла эшмуҳамедов, Дониёрхўжа Исаҳожаев яраланди. Қўзғолончилар бошқарма телефон симларини узуб ташлаган. Қўзғолончилар политсия бошқармасига бостириб киришга уринганда ёрдамга етиб келган эски шаҳар полисмейстери полковник Н.Е.Колесников аскарларга ўқ узиш буйругини беради.

Тезда эски шаҳар политсия бошқармаси олдига Тошкент шаҳар бошлиғи С.О.Кочин, Тошкент ҳарбий билим юрти отряди, Янги шаҳар миршаблари ва подполковник Савитский раҳбарлигидаги прaporшиklar ротаси етиб келиб оломонни тарқатиб юборади. Пойтахтдаги намойишларни бостириш жараёнидаги отишмаларда 11 киши ўлдирилиб, 15 киши ярадор қилинади, 34 киши эса ҳибсга олинади [2, 50]. Қўзғолон бостирилгач этикдўз Абдураҳмон Қаюмсўфиев ва мардикор Мирқосим Шомуҳамедов осиб ўлдиришга хукм қилинади.

Тошкент шаҳридаги норозилик тўлқини Сирдарё вилоятининг қолган ҳудудларига ҳам ёйилади. 21-22 июл кунлари Зангиота волостидаги Қовунчи ва Кауфман стансияларида ғалаёнлар бошланади. Маъмурият қўзғолонни бостириш учун прaporшик Бернандский бошчилигига ҳарбий қисм юборади. Отишмада 3 нафар киши ҳалок бўлади ва 20 киши қўлга олинади [12, 627].

21-июл куни Пискент, Бўқада, 22-июлда Чиноз, Тўйтепада ҳам ғалаёнлар бошланган. Тўйтепада волост оқсоқоли Бекмуҳаммад Маллаев ўлдирилади. Сҳинозда Олтин, Жоусугум волостидаги ғалаёнларда 6000 га яқин киши қатнашади. Чиноздаги ғалаёнчилар пристав поручик И.Худоёрхонов ва унга ёрдамга келган ҳарбий қисм томонидан тарқатиб юборилади [19, 630].

23-июл Сирадарё вилояти губернатори А.С. Галкин (1911-1916) буйруғи билан 100 кишилик ҳарбий отряд ва 1 та пулемёт билан Тошкент уезди бошлиғи А.И.Афанасевни Пискент ва Тўйтепага юборилади [6, 66]. Жазо отряди Тўйтепа аҳолиси уйларига ўт қўяди, 20 киши ўлдирилади. Ҳарбий куч ёрдамида Тўйтепа волостида мардикорлик учун 325 хонадондан 200 нафар одам тўпланади [7, 102]. Афанасев Оққўргон, Бўка, Карис, Равост ва Тошкент уездидаги бошқа волостларда ҳам ҳарбий кучга таяниб фармон ижросини таминашга эришган.

29-июл Амударё бўлими Сарибий волостида пичоқ, болта, калтаклар билан қуролланган мингга яқин киши ўз талабларига жуда қўпол жавоб қайтарган волост бошлиғи Содик Бояков ва яна 3 оқсоқолни ўлдирадилар. Мардикорликка олинувчилар рўйхати йўқ қилинди. Исённи бостириш учун Петро-Александровскдан солдатлар юбрилганини эшитган қўзғолончилар тарқалиб кетади. Қўзғолонда Бўрибой Салманов, Оллониёз Ҳудойназаров, Давлет эшимбетов, Жаббор Кушик, Султон Жабборбергановлар фаол қатнашган [5, 28]. Қўзғолон бостирилгач қўзғолон фаолларидан Юсуф Матчонов, Асмет Абдуллаев, Шеринбет Хожиев ҳарбий округ суди томонидан осиб ўлдиришга хукм қилинади.

29-июл куни Чимбой шаҳридаги ғалаёнларда ҳалқ участка пристави идораси вайрон қилинди. Қўзғолончилар участка пристави Микелжанянс ва унинг аёлини ўлдириб, приставни жасадини Кегайли каналига ташлаб юбордилар [8, 285-287]. Қўзғолончилар жазо отрядлари келишидан аввал ўз овул ва қўрғонларини ташлаб чўллар

ва Амударё бўйи тўқайзорларига яширинадилар.

Еттисув вилоятидан фронт орти ишлари учун 60 000 кишини, ёки вилоят эркакларининг 18% ни сафарбар қилиш режалаштирилган [2, 48]. Фармон эълон қилингач Еттисув ҳудиди аҳолисининг Хитой худудига қочиб ўтиши кучаяди. Еттисув вилоятидаги дастлабки тўқнашувлар Лепсинск уездидан июл ойи охирида Хитой худудига кўчиб ўтишни мақсад қилган аҳоли ва чегара отрядлари ўртасида содир бўлган.

3-август куни Верний уезди Қизилборук волостида уезд бошлиги ёрдамчиси Клиновский бошлигига мардикорликка олинувчиларни рўйхатини тузиш жараёнида қўзғолон келиб чиқади. Қўзғолончиларни тарқатиш учун казак отлиқлари эскадрони ва ярим пиёдалар ротаси волостга юборилади. 6-август куни Ботпаев волостидаги намойишларда 12 киши туман политсияси капитани Глиевнинг одамлари томонидан ўлдирилади. Ботпаевадаги қўзғолончиларга қарши казак отлиқлари юзлиги, 1 та пиёдалар ротаси ва милитсия қисмлари юборилади [2, 61-63].

8-август кунлари Пишпек ва Пржевалск уездларининг барча волостларида қўзғолонлар бошланган. 12-август куни 1500 га яқин қўзғолончилар Тўқмоқ яқинида ўзларига қарши юборилган жазо отрядини (казаклар юзлиги, 70 та солдат ва 350-кучайтирилган милитсия отряди) мағлуб этиб, уни Тўқмоқга чекинишга мажбур этади. 13-22 август кунлари 5000 нафар исёнчилар Тошкент ва Верний оралиғидаги Тўқмоқ шаҳарини қамал қилиб турдилар. 10-29 авустгача кўплаб европалик

аҳоли қочиб келган йирик Преобреженский қишлоғи ҳам қамалда қолиб кетган.

Қўзғолончилар Еттисув вилоятидаги русларга жуда кучли нафрат билан муносабатда бўлганлар. Қўзғолончилар томонидан Пржевалск уездининг ўзида 94 та аҳоли пункти вайрон қилинди, 5373 та хўжалик ёқиб юборилди, 1905 киши ўлдирилади, 684 киши ярадор этилиб, 1105 киши асирга олинади. Европалик аҳолининг 90% чорваси қўзғолончилар томонидан тортиб олинади. Уезд худудида етказилган зарар 20 млн рублни ташкил этган [2, 65].

1916 йил 15 август куни Еттисув вилояти ҳарбий губернатори М.А. Фолбаум (1908-1917) буйруғи билан рус дехқонларидан отлик ва пиёда дружиналар ташил этилди [1, 240]. Ҳарбий вазир Д.С. Шуваев (1916-1917) буйруғи билан 2 та казаклар полки (24 та эскадрон), 240 та разведкачи отлиқлар, 16 та дала тўпи, 47 та пулемёт, пиёдалар роталари И жаҳон уруши фронтларидан олинниб ёрдам учун Еттисувга ташланган [2, 68]. Еттисувдаги тўқнашувларда ҳарбий округ аскарларидан 55 киши ўлдирилади, 41 киши яраланди ва 75 киши бедарак кетган [6, 75].

Қўзғолонни ботириш жараёнида подшо қўшинлари томонидан Еттисувда 16 000 га яқин қозоқ ва қирғизлар ўлдирилади. Жуда кўплаб одамлар Хитойга қочиб ўтишда ҳалок бўлади. Хитой худудига 160 000 дан ортиқ қирғиз ва қозоқлар (130 000 га яқини қирғизлар) қочиб ўтади [2, 38]. Пржевалск, Пишпек, Жаркент уездларида жуда кўплаб аҳоли бошқа худудларга (айниқса Норин уездига) мажбуран кўчириб юборилиб, ерлари тортиб олинади.

1916-йилги қўзғолонлар даврида Туркистон генерал-губернаторлигига ўлка маъмуритининг йўқотишлари: [3, 157]

Вилоятлар	Қўзғолонлар вақтида ҳалок бўлганлар		
	Маҳаллий маъмурият вакиллари	Рус маъмурияти вакиллари	Европалик аҳоли ва казаклар
Сирдарё	7	3	45
Фарғона	34	1	?
Еттисув	2	14	2094
Самарқанд	12	3	83
Каспиёрити	?	3	?
Жами	55	24	2222

1916-йил август ойи охирларига келиб ўлкадаги мустамлака маъмурияти Туркистон ҳарбий округидаги мунтазам армия қисмлари ёрдамида қўзғолон ва норозилик ҳаракатларини бостиришга эришади. Туркистон ҳарбий округи Бош қўмондони

А.Н.Куропаткиннинг Николай II га йўллаган мутлақо маҳфий ахборотида қўзғолон пайтида 97 рус аскари ўлдирилиб, 86 таси ярадор бўлгани ва 76 аскар бедарак кетгани, 7 рус амалдори, рус аҳолисидан 2326 киши

ТАРИХ

ўлдирилиб, 1384 киши бедарак йўқолганини ёзган [20, 424].

Норозиликлар тўлқини бостирилгач Куропаткин подшо фармони ижросини таъминлашга киришади. 1916-йил 23-август куни Куропаткин мардикорликка сафарбарлик тадбирини амалга ошириш тоғрисида бўйруқ чиқарди. Унда мардикорликка олинадиганлар сони қайтадан вилоятлар кесимида қуидаги тарзда тақсимланди: Сирдарё вилоятига 60 000, Фарғона вилоятига 51 233, Самарқанд вилоятига 32 407, Каспиёти вилоятига 13 830 ва Еттисув вилоятига 4300 киши белгиланди [10,428]. Маҳаллий қуий маъмурият вакиллари, имомлар, мударрислар, муллалар, олий ва ўрта ўқув юрти талабалари, ҳукумат идораларида хизмат қилаётганлар, фахрли ва нуфузли юқор табақа вакиллари фронторти ишларига сафарбарлиқдан озод этлади [18, 18].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, 1916-йилдаги миллий озодлик ҳаракатлари аввалиларидан фарқли равишда Умумтуркистон миқёсига бўлиб ўтган. Шунинг учун Туркистон генерал-губернаторлигига вилоят ва туманлардаги маъмуриятлар қўзғолон ва ҳалқ ғалаёнларини мунтазам армия қисмлари ёрдамисиз бостиришга ва император фармони ижросини таъминлашга эриша олмайдилар. Қўзғолонларни бостиришга киришган ҳарбий округ кучлари ўз ҳаракатлари давомида ерли аҳолига нисбатан улуғмиллатчилик руҳиятида муносабатда бўладилар. Туркистон ҳарбий округи кўмандонлигининг 1916-йилги фаолиятининг эътиборга молик жиҳати шуки, қўзғолонларни бостириш, унинг иштирокчиларини ёши ва жинсидан қатъий назар тутиш ва жазолаш учун илк бор Туркистонда катта миқдордаги профессионал армиядан фойдаланилган.

Адабиётлар:

1. Алимова Р.Р. Марказий Осиё ҳалқлари тарихи. – Т.: ТДШИ. 2009. – б.
2. Aminat Chokobaeva. Frontiers of violence: state and conflict in Semirechye, 1850-1938. – Canberra. The Australian National University. 2016.
3. Галузо П.Г. Туркестан – Колония (Очерк истории Туркестана от завоевания пусскими до революции 1917 года). – Москва. Издание Коммунистического Университета Трудящихся Востока. 1929.
4. Исмоилова Ж. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари. – Т.: 2003.
5. Кошанов Б.А. Қорақалпоғистон тарихи. – Нукус: Қорақалпоқ Давлат Университети. 2011.
6. Суюнова Айгул. Туркистонда 1916-йилги миллий-озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертатсия. – Т.: 1997.
7. Турсунов Ҳ. Ўзбекистонда 1916 йил ҳалқ қўзғолони. – Т.: Ўзбекистон. 1966.
8. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов. – М.: Издательство Академии Наук СССР. 1960.
9. Восстание 1916 года в Туркмении (документы и материалы). – Ашхабад: Туркменское государственное издательство. 1938
10. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ. 1998.
11. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Т.: 2000.
12. ЎзМА, 1-фонд. 4-рўйхат. 233-йигма жилд. 627-бет.
13. ЎзМА, И-1 фонд. 1-рўйхат. 1100-йигма жилд. 289-бет.
14. ЎзМА. И-1 фонд, 31-рўйхат. 100-йигма жилд. 144-бет
15. ЎзМА, И-1 фонд. 31-рўйхат. 1132-йигма жилд. 25-бет.
16. ЎзМА, И-1 фонд. 31-рўйхат. 1140-йигма жилд. 17-бет.
17. ЎзМА, 1396-фонд, 3-рўйхат, 548-йигма жилд, 18-бет.
18. ЎзМА, 1396-фонд, 4-рўйхат, 233-йигма жилд, 630-бет.
19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. И китоб. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ. 2000.
20. Шамситдинов Р.Т., Исъҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: Шарқ. 2013.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори, профессор)